



Андижон машинасозлик институту


5-Маъруза: Илмий мактаб, метод ва методология муаммолари

*Lecture 5_Problems of scientific school, method
and methodology.*

Маърузачи: фалсафа фанлари номзоди,
доцент – Зулфияхон Арипова



Дастлабки илмий мактаблардин бири эр.ав. 387 йил Афинада тузилган, Платон Академияси.



Аристотель (др.-греч. Ἀριστοτέλης; 384 до н. э., Стагир — 322 до н. э., Халкида, остров Эвбея)

- Ученик Платона.
- С 343 до н. э. — воспитатель Александра Македонского.
- В 335/4 г. до н. э. основал Ликей (др.-греч. Λύκειο Λύκειον, или перипатетическую школу)
- Древнегреческий натуралист классического периода, философ, создатель логики и наиболее влиятельный из диалектиков древности;
- основоположник **формальной логики**.
- Создал понятийный аппарат, который до сих пор пронизывает философский лексикон и сам стиль научного мышления.

Платоннинг шогирди Аристотель эр.ав. 335\334 йилда перипатетиклар мактабини ёки Ликей (лицей)сини ташкил қилди. Александр Македонскийни тарбиялади.



Режа

1

Илмий мактаб ва унинг ривожланиш тенденциялари

2

Методларнинг таснифи

3

Методология муаммоси.
Методологик таъомиллар

Илмий мактаб ва унинг ривожланиш тенденциялари

Илмий мактаблар ўзида муайян шахс, олимнинг илмий фаолияти йўналишини ўрганиш натижасида шаклланган касб эгалари, олимлар когортаси бўлиб, унда муайян илмий ғоя, назария доирасида ҳамжиҳатликда фаолият олиб борилади. Илмий мактаб тушунчаси метод тушунчасидан кенгрокдир.

Илмий мактаблар фан тараққиётида ворисийликни таъминлайди, яъни фандаги тизимли ривожланишни ўзида намоён этади. Кишилик жамиятида бир қатор илмий мактаблар фаолият юритган ва ҳозиргм кунда ҳам бу анъана давом этиб келмоқда.

Илмий мактабларнинг даражалари

Парадигмал (юнонча наъмуна мисол, прогноз) даражси

1. И.Ньютон, А. Эйнштейн, Н.Бор, И. При гожин илмий мактаблари прадигмал даражада намоён бўлади

2. Ўз етакчиларига эга бўлган локал даражадаги илмий мактабларнинг мажмуидан иборат.

Локал (кичик) даражаси

1. Мамлакат алоҳида олий таълим муассасалари ёки илмий тадқиқот институтларида фаолият олиб борадиган илмий мактаблар

2. Илмий мактабларда бир ёки ундан ортиқ етакчилар бўлиши мумкин.

Илмий мактабларнинг юзага келиши



Афинадаги «Платон» (мил.авв.427-347) академияси


Афинадаги «Платон» (мил.авв.427-347) академияси

Афинадаги «Платон» (мил.авв.427-347) академияси, кейинчалик бу академия 1459-йилда Европада тикланди. «Платон» академиясида табиат ғоялар маҳсули, ғоялар ўзгармас, абадий ҳаракатсиз. Ҳис қилинадиган нарсалар эса ғояларнинг соясидир. Моддий дунё ўткинчи, ғоялар дунёсида энг олий ғоя Худодир каби таълимот илгари сурилари эди. Платоннинг «Давлат», «Сиёсат», «Қонунлар» каби асарлари мавжуд, Платон фалсафа тарихида объектив идеализмнинг илк намояндаси ҳисобланади.

Академия – ҳозирги кунда баъзи илмий муассаса, жамият ва ўқув юртининг номланиши сифатида қўлланилади.

Аслида, «Академия» сўзининг келиб чиқиши қадимги афсонавий қаҳрамон Академа (Akademos) шаънига аталган Афина шаҳри яқинида жойлашган шаҳар номи билан боғлиқ бўлиб, у ерда эр.ав. IV асрда (388 й.) Платон ўз шогирдларига маърузалар ўқиган.

Платон Академияси – Платон томонидан тахм. эр.ав. 387 йилда Афинада ташкил этилган қадимги грек фалсафий мактабидир ва у муқаддас иттифоқ мақомига эга бўлган. Академия аъзолари аъзолик бадаллари тўлашган. Устоз ва шогирдлар Афина яқинидаги уйларда бирга яшашган. Дарс машғулотлари ва музокаралар қатъий жадвал асосида олиб борилган. Ушбу Академия тахминан 200 йил фаолият кўрсатган ва кейинчалик I-II асрда Неолатонизм шаклида қайта тикланган.



Платоннинг энг кўзга кўринган шогирларидан бири буюк мутафаккир **Аристотел** ҳисобланади. Аристотел Эгей денгизи бўйидаги Фракиянинг Стагара шаҳрида туғилган. Унинг отаси Македония подшоси Аминта II нинг сарой табиби эди. У 15 ёшлик чоғида ота онасидан жудо бўлади. Аристотел ҳар томонлама ўқимишли ҳомий кўл остида таълим-тарбия кўради. Ўн етти ёшида устози ва дўсти Платон ташкил этган Академияга ўқишга кириб, йигарма йил давомида, яъни Платон вафотигача шу даргоҳда таълим олади.



Аристотел

Манбаларда келтирилишича, Аристотел Платоннинг дўстлари ва шогирдлари орасида ақл-заковати, илмга бўлган қизиқиши билан алоҳида ажралиб турар эди. Аристотел жуда билимдон бўлганлиги сабабли устози Платон билан турли масалаларда баҳслашиб турар, айрим ҳолларда унга эътироз ҳам билдирар эди. Ҳақиқатпарвар мутафаккир ўз устозининг фалсафа борасида йўл қўйган хатоларига бефарқ қарай олмаган.



Аристотел

Аристотел Македония подшоси Филиппнинг илтимосига биноан, унинг ўгли Александрга 3 йил давомида таълим-тарбия бериб боради. Ҳокимиятни бошқариш 16 ёшли Александрга қолгач, давлат ишлари унинг таълим олишига имкон бермайди. Отасидан қолган қудратли давлатни кенгайтириш мақсадида Александр Македонский Шарқ ва ғарбга юришлар уюштириб, жаҳоннинг кўпгана қисмини забт этишга муяссар бўлади. Ана шундай ғолибона юришларида ўзининг энг яқин маслаҳатчиси сифатида Аристотелни ҳам бирга олиб юради. Ўн икки йил сафардан кейин Аристотел 334 йили эллик




Аристотел

Тарихий адабиётлар ва илмий манбаларда ёзилишича, Аристотел Александр Македонский билан юришлар чоғида жуда катга илмий ишлар учун маълумотлар тўплаш билан шуғулланган. Ана шу материаллари асосида ўзининг асосий асарларини умрининг сўнгги йилларида ёзган. Аристотел Афинага улуғвор Македония сарой аҳиллари билан дўстона муносабатда бўлган, ҳурматли ва обрўли киши сифатида қайтиб келганди. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Македония подшоси Александр Аристотелни табиий-илмий тадқиқот ишларини кенг олиб бориши учун моддий жиҳатдан таъминлаб турган.



Ана шу имкониятлар туфайли Аристотел милодимиздан аввалги 335 йили Афинада ўзининг хусусий мактаби — **Ликкейни** очишга эришади. Мактаб Апполон Ликкей ибодатхонаси яқинида очилгани учун шундай номланган. Аристотел бу мактаб боғида ўз шогирдлари билан сайр қилиб, маъруза ўқир эди. Кейинчалик унинг сайр қилиб маъруза тингловчи шогирдларини **перипатетиклар** (яъни сайр қилиб юрувчилар) деб атадилар. Аристотел ташкил этган мактаб жуда катга кутубхонага ҳам эга бўлган экан.



Александр Македонский ҳаётининг сўнгги йилларида Аристотелнинг Афина зодагонлари билан муносабати анча ёмонлашади. Александр Македонскийнинг ўлиmidан кейин Аристотелнинг Афинада қолиши жуда хавфли бўлиб қолади. Чунки ўша даврда Юнонистонда, хусусан, Афинада Александр Македонский ҳукмронлигига қарши қаттиқ кураш бошланган эди. Шунинг учун Аристотел милодимиздан аввалги 323 йили таъқиблардан қочиб, Афинани тарк этади ва Эвбей оролидаги Халкидага қочиб келади. Орадан бир йил ўтгач, 322 йили ўша ерда вафот этади.



Маъмун академияси



Маъмуннинг мусулмон илмини ривожлантиришига, унинг «файритабий» туши туртки бўлган. Маъмуннинг тушига **Аристотел** рухи киради(халиф унинг асарларини жуда яхши билган) ва унга дин ҳамда ақл ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқлигини исботлайди. Шундан сўнг Маъмун ҳеч бир иккиланмай «**Билимлар уйи – кутубхона**» қуришга буйруқ беради. Бу ерга грек, форс, ҳинд олимларининг илмий ишлари тўпланади ва араб тилига таржима қилинади, бу илмий ишлар чуқур ўрганилади, қайта ишланади ва ривожлантирилади.

Маъмун академияси



Боғдоддаги Халифа Маъмун ар-Рашид (813-833) томонидан ташкил этилган Маъмун академияси IX аср 2-ярмида, дастлаб 819-йилда Боғдодда «**Байт ул-ҳикмат**»(Билимлар уйи)да Моварауннахр ва Хуросон олимлари фаолият юритиб, ўз илмий ишларини давом эттирган. Унда **Ал-Хоразмий, Ал-Киндий** фаолият юритган


Хоразм Маъмун Академияси

Хоразм Маъмун Академияси (997-1010) Хоразм шоҳи Али ибн Маъмун ўз атрофига кенг дунёқарашга эга бўлган, эркин фикрлайдиган, қобилиятли, чуқур билимли кишиларни тўплайди. Шоҳнинг амакиси, ўз даврининг олими бўлган **Абу Наср Ироқ** таклифига кўра 1004 йилда хорижда яшайтган **Абу Райхон Беруний** Хоразмга қайтиб келади. Уларнинг қарашлари кўп жиҳатдан бир-бирига мос келар эди, устоз шогирд сифатида улар кўп йиллар ҳамкорликда иш олиб бордилар, Беруний академияга раҳбарлик қилди.




Хоразм Маъмун Академияси

Хоразм Маъмун Академияси



Академияга Яқин ва Ўрта шарқнинг кўзга кўринган олимлари таклиф этилди. Маъмун академиясида Беруни билан биргаликда **Абу Али ибн Сино**, Абу Сахл аль Масихий аль Журжоний, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саид ибн Муҳаммад ибн Мискавайх, Абул Ҳайр Ҳаммор, Абу Мансур ас-Саолиби, Аҳмад Муҳаммад ас-Сахрий, Зайниддин Журжоний, Абу Хасан Маъмун, Абу Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу-л-Фараж ибн Ҳинду ва бошқа буюк олимлар турли соҳаларда илмий фаолият олиб бордилар ва жаҳон илми ривожига катта ҳисса қўшдилар.



Хоразм пойтахти Гурганч (ҳозирги кўҳна Урганч) шаҳридаги илмий марказ Маъмун академияси деб ном олди. «Дорул ҳикма ва маориф» (мажлиси улома) номини олган илмий муассаса шаклланди. 1997 йил 11-ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун академиясини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини янада юксалтиришга катта имконият яратди.

2004 йил 9 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2005 йил Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги нишонланди

✓ Ўзбекистонда Темурийлар даврида ҳам илм-фан ривожланди, бу давр "**Олтин аср**" деб ҳам юритилади. Урта Осиё халқлари орасида етишиб чикқан буюк тафаккур эгаларининг бутун бир авлоди худди шу даврда шаклланди ва ижод қилди. Бутун дунёга номлари машҳур тарихчилар *Шарофиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий*; олимлардан *Мирзо Улугбек, Али Қушчи, Қозизода Румий*; файласуф-шоирлардан *Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Лутфий, Саккокий, Атоий*; мусаввирлардан *Камолиддин Беҳзод, Қосим Али, Мирак Наққош*; ҳаттотлардан *Султон Али Маишадий, Султон Муҳаммад Хандон, Муҳаммад бир Нур* ва бошқалар шулар жумласидандир.



Темурийлар даврида илм-фан ривож



XX аср Туркистон Жадидчиларининг илм-фанга қўшган ҳиссалари

1885-1895 йилларда жадидчилик отаси – **Исмоил Гаспринский (1851-1914)** томонидан чоп этиладиган «Таржимон» газетаси таъсири остида Туркистоннинг кўпгина шаҳарларида янги усул мактаблари очила бошланди, улар рус-тузем мактаблари билан муваффақиятли рақобатлаша бошлади.

Маҳаллий зиёлилар **Жўрабой** бошчилигида Бухорода янги усул жадид мактабларини оча бошлади; Самарқандда бу ишларга **А. Шакурый, С. Азизий, А. Мунзим, Мулла Қилич** раҳбарлик қилди; Тошкентда **Мунавварқори Абдурашидхон, Абдулла Авлоний, Қўқонда – Ҳамза Ҳакимзо да Ниёзий, Наманганда – Ибрат, Сўфизода** бу ишлар бошида турди. Натижада, юқорида айтилганидек, Туркистонда **1907** йилга келиб **30** жадид мактаби бўлиб, уларда **1300** ўқувчи таълим олар эди. Янги усул таълимининг аҳамиятини камайтириш, унинг янада кенгроқ тарқалишини бартараф қилиш мақсадида Россия маъмурияти рус-тузем мактаблари сонини кўпайтириб борди.

Туркистон жадидаларининг асосий ғоявий ва назарий қарашларини зиёкор ва модернистлар **Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхон, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Абдулла Авлонийлар** томонидан шакллантирилди. Улар кўп жиҳатдан совет тизимини инкор қилиб, Туркистонда халқ давлатининг яратилишини, у ўз йўлидан ривожланишини ёқлаб чиққан эди.

Айрим жадидалар СССР конституциясига асосланган ҳолда миллий мустақилликка эришиш йўлини тутди. С. Айний, Ҳамза, Боту, Олтой, Элбек, А. Икромов, Ф. Хўжаев совет ғоялари ва қадриятларини рационал қўллашга урғу бериб, шу йўл билан ўз ғояларини секин-аста ҳаётга татбиқ эта борди.


Большевиклар маҳаллий интеллигенцияни сиёсий қатағон йўли билан жисмонан йўқ қилишга киришди. Жадидалар оғир жазога тортилди, жисмонан йўқ қилинганидан ташқари, жадидчилик ҳаракатининг дастурлари ҳам йўқ қилинди.



Ўзбекистоннинг совет даври (1917-1991й)даги илм-фан ривожиди

Ўзбекистоннинг 74 йиллик совет даври мафкуравий жиҳатдан утопик коммунистик ғояларига бўйсунтирилган бўлишига қарамай, илм-фан ривожига катта эътибор берилди, чунки илмсиз жамият ривожланиши мумкин эмаслигини тушунишар эди, ҳатто ўқитувчи ва илмий ходимларни урушга олишмаган. Бунинг исботи сифатида таъкидлаш жоизки, иккинчи жаҳон уруши жуда авж олаётган бир пайтда, Ўзбекистонда 1943 йил 27 сентябрда СССР совнаркоми қарори билан Тошкент шаҳрида Республика Фанлар академияси ташкил қилинди ва шу йил 4 ноябрда тантанали очилиши бўлиб ўтди.

Иккинчи жаҳон уруши давригача ҳам Ўзбекистонда маълум илмий мактаблар шаклланган бўлиб, булар қаторига: математиклар Т.А. Сарымсаков и Х.И. Абдуллаев, физиклар И.И. Исламов и С.У. Умаров, химиклар Ш.Т. Талипов, Г. Ходжаев, А.С. Садыков, геологлар Х.М. Абдуллаев, Г.А. Мавлянов, философ И.М. Мўминов, ботаниклар Д.К. Саидов, К.З. Закиров, А.М. Музафаров, энергетиклар Г.Р. Рахимов, Х.Ф. Фазылов, А.С. Саидходжаев ва бошқаларни киритиш мумкин.



Ўзбекистон Фанлар академияси

- **Ўзбекистон Фанлар академияси** таркибига 100 фан доктори ва фан номзодлари ишлайдиган 10 илмий-тадқиқот институти кирган эди. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига республика илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган, етакчи олимлар – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, физика математика фанлари доктори, профессор, **Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти Т.Н. Кары-Ниязов**; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, физика математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти **Т.А.Саримсақов**; физико-математика фанлари номзоди С.У. Умаров; ёзувчи **М.Т. Ойбек**; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, физика математика фанлари доктори, профессор, **В.И. Романовский**; СССР Қишлоқ хўжалиги академияси ҳақиқий аъзоси, агроном-селекционер **Р.Р. Шредер**; СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, этнограф **М.С. Андреев**; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, геология-минералогия фанлари доктори, профессор **А.С. Уклонский**; Ўзбекистон Фанлар академиясининг иккинчи вице-президенти, инженер-ирригатор В.В. **Пославский**; шоир **Ғафур Ғулом** сайланган эдилар.




Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси сифатида- профессор **А.А. Аскар**ов; геология-минералогия фанлари номзоди **Х.М. Абдуллаев**; шоир **Ҳамид Олимжон**; инженер-ирригатор **Б.Д. Коржавин**; инженер-энергетик **Р. Алим**ов; фалсафа фанлари номзоди **И.М. Мўминов**; медицина фанлари доктори, профессор **Г.Г. Абдуллаев**; профессор **А.К. Боровков**; тарих фанлари доктори **А.А. Семенов** ва бошқалар сайландилар.

Ўзбекистон ФА Фахрий академиклари этиб - ёзувчи **Садриддин Айни**, Ўзбекистон халқ усталари **Уста Ширин Мурадов ва Юсуп Али Мусаев**лар сайландилар.

[РГАСПИ, ф. 17, оп. 43, д. 2118, л. 35-36].


Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам Ўзбекистонда кўп фанлар соҳасида йирик илмий мактаблар пайдо бўлди ва ҳозирги кунда ҳам бу мактаблар ривожланмоқда.

Сўнги 3 йилда **1693** та илмий иш ҳимоя қилинди



■ Фан доктори ■ Фалсафа доктори

Илмий даражалар сони жами **9636** нафар




■ Фан доктори (DSc) ■ Фалсафа доктори (PhD)

Олий таълим муассасаларида фан доктори илмий даражасига эга профессорларнинг базавий лавозим маошлари 2016 йилга нисбатан 3,2 бараварга оширилди.



■ 2016 йил ■ 2019 йил

Илмий-кенгашлар сони



■ 2017 йил ■ 2019 йил

Дунёнинг буюк иқтисодчи олимлари

Адам Смит (1723-1790)- шотланд иқтисодчи ва файласуфи («бозорнинг кўринмас қўли» ибораси билан машҳур

Дэвид Рикардо (1772-1823)-инглиз иқтисодчи олими, классик сиёсий иқтисод вакили ...

Карл Маркс (1818-1883)- таниқли немис иқтисодчи ва файласуф олими...

Алфред Маршалл(1842-1924)-инглиз иқтисодчиси, иқтисодиёт фанида неоклассик йўналиши лидери, Кэмбридж иқтисодиёт мактаби

Джон Мейнард Кейнс (1883-1946)-инглиз иқтисодчиси ...

Йозеф Шумпетер (1883-1950)-австриялик иқтисодчи олим, «инновация» атамасини муомалага киритган ...

Фридрих Хайек (1899-1992)-австралиялик иқтисодчи олим, режали иқтисодиётни қоралаган, давлат иқтисодиётга аралашмасин ...

Джон Кеннет Гэлбрейт (1908-2006)-америкалик олим ...

Мильтон Фридман (1912-2006)-америкалик иқтисодчи, «монетаризм» назарияси асосчиси

Нобель мукофоти совриндорлари

- **Пол Кругман (род.1953)**. лауреат Нобелевской премии, правда его права на это довольно спорное. Академические работы Кругмана в области торговли специалистов не особо впечатляют. Возможно, шведы таким образом отметил колонку Кругмана в «Нью-Йорк Таймс». В этой газете ученый все восемь лет пребывания у власти Джорджа Буша довольно метко и остроумно критиковал его политику. Мнения Кругмана читала не только вся Америка, но и другие страны. Именно это и сделало Кругмана самым знаменитым из современных экономистов. Сама же страна оказалась на пороге банкротства и финансового краха, что собственно и предсказывал Кругман. Те полагают, что государственный бюджет ввиду дефицита в 1,3 триллиона долларов должен сократить свои траты. А вот Кругман пришел к выводу, что стране надо тратить еще на триллион больше, чтобы вывести экономику из кризиса.
- **Ричард Таллер**, америкалик иқтисодчи, **2017** йил “Ҳулқ иқтисодиёти” учун Нобель мукофоти совриндори бўлди.”Менталь бухгалтерия” китоби.
- **Пол Ромер ва Уильям Нордхаус**, **2018** йил Нобель мукофоти олди, Иқлим ва Технология иқтисоди учун.
- **Абхижит Банержи**, ҳинд-америкалик, **Эстер Дюфло**, француз-америкалик (эр хотин Массачусетс технология институтидан дарс берадилар) **ва Майкл Кремер**, америкалик, Гарвард университети профессори – **2019 йилги** иқтисод бўйича Нобель мукофоти совриндорлари. Улар **глобал қашшоқликка қарши курашдаги экспериментал ёндашувлари** учун мукофотланди. Абдул-Латиф Жамил номидаги Қашшоқликка қарши кураш лабораториясини Банержи ва Дюфло бошқариб келади, Дюфло иқтисод бўйича Нобель мукофоти олган иккинчи аёл. Эрондан битта аёл тинчлик учун кураш учун Нобель олган- **ШИРИН ЭБАДИ**, (1947й) 2003йили мукофот олган.

2019 йил иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти совриндорлари:
Абхижит Банержи, ҳинд-америкалик, Эстер Дюфло, француз-америкалик(эр-хотин) ва Майкл Кремер, америкалик



Abhijit Banerjee, Esther Duflo, and Michael Kremer

(Courtesy of MIT, Harvard University)

Ўзбекистоннинг таниқли иқтисодчи олимлари

1. **Аминов Олим Мўминович** (1906-1981), и.ф.д., профессор, ЎзФА мухбир аъзоси, Қўқон шаҳрида туғилган, 1969-1981 йиллар Тошкент халқ хўжалиги институти(ТДИУ)да “Сиёсий иқтисод”кафедраси мудирини бўлиб ишлаган.
2. Қориев Мухаммаджон Мурадович(1906.02.05.-1974.10.02.), Қўқон шаҳрида туғилган, и.ф.д., профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, 1953-1974 йиллар Тошкент халқ хўжалиги институти(ТДИУ) ректори.
 3. Шенгер Юрий Евгеньевич
 4. Искандаров Иброҳим
 5. Шарифхўжаев Муродхон
 6. Ким Владимир Васильевич
 7. Убайдуллаева Раъно Аҳадовна
 8. Гуломов Саидахрор Саидахмедович
 9. Абдурахманов Қаландар Ходжаевич
 10. Зиёдуллаев Наби Саидкаримович
 11. Ваҳобов Абдурахим Восиқович
 12. Бекмурадов Адҳам Шарипович


Илмий мактабда:


- Ўзига хос инновацион механизмлар амал қилади.
- Уларнинг пайдо бўлиши доимо янги ғояларни амалиётга жорий қилишда шу ғояга акс ғояни илгари сурувчи оппонентлар билан курашида шаклланади.
- Янги ғоялар илгаридан қотиб қолган эски ғоялардан амалий аҳамияти билан устуворлик қилади.
- Илмий мактаб вакиллари шу ғояни ҳимоя қилиб, уни амалиётга жорий қилинишининг гаровидир.
- Илмий мактабларда устознинг раҳбарлик маҳорати ва илмий салоҳияти, олимлик масъулияти муҳим аҳамиятга эга.
- Илмий мактаблар назарий концепцияларни ривожлантиришга йўналтирилган илмий ғоялар мажмуи шаклида намоён бўлади.
- Илмий мактаблар ўз ғоя ва аҳамиятига кўра бир биридан фарқланади.
- Илмий мактабларнинг ўзига хос хусусияти ғояларни умумлаштириш хоссасига эгалигидир.
- Илмий мактабларда индивидуал тадқиқот олиб бориш методи шаклланади.

Метод (юнон. methods - усул) кенг маънода йўл, ижодий фаолиятнинг ҳар қандай шакли каби маъноларни англатади.

Методика - далилий материалларни йиғиш ва саралаш воситаси, аниқ фаолият туридир.


Методология - фаолиятда қўлланиладиган маълум усуллар тизими (фанда, сиёсатда, санъатда ва ҳ.к). ва тизим ҳақидаги таълимот ёки метод назарияси сифатида амалқилади.











Назария

Илгариги фаолият натижаси

Бош функция - тушунтириш ва олдиндан кўриш

Объект қонуниятини акс эттирадиган идеал образлар тизими

Муаммони ечишга қаратилган

Метод

Кейинги фаолиятнинг бошланиши ва шароити

Билишга йўналтириш ва бошқариш

Воқеликни билиш, ўзгартириш қуроли сифатида қоида, ёндашув ва бошқарув тизими

Муаммони ўрганиш, ўзгартириш усуллари ва механизмларини аниқлашга қаратилган



Умумилмий тадқиқот метод турлари:

**Структурави
й-
функционал
(структурави
й) метод**

**Формаллаш
ириш**

**Моделлашти
риш**

**Эҳтимолӣ-
статистик
методлар**



Методология

Методология - фаолиятда қўлланиладиган маълум усуллар тизим (фанда, сиёсатда, санъатда ва ҳоказо) ва тизим ҳақидаги таълимот ёки метод назарияси сифатида амал қилади.

Методология - бу фанда фойдаланиладиган билиш воситалари, усулларининг мажмуи, шунингдек, фаннинг ижодий билиш ва амалий ўзгартириш фаолиятини ташкил этиш воситалари, шарт-шароитлари ва принципларини ўрганувчи илмий-фалсафий билим соҳасидир.

Ҳозирги даврда **методология** фақат илмий билиш соҳаси билан чекланмасдан, билиш чегарасидан чиқиши ва ўз соҳасида амалиётда ҳам қўлланиши зарур. Бунда **билиш ва амалиётнинг узвий алоқадорлигига** эътибор қаратиш керак. **Методология** муайян бир, методга боғлиқ бўлмайди.

“Олим ҳеч қачон фақат битта таълимотга таяниб қолмаслиги, ҳеч қачон ўз тафаккур методларини фақат битта фалсафа билан чеклаб қўймаслиги керак”.



Ҳозирги замон методологияси

Қуматонд - сузаётган объектни аңлатади ва объектларнинг тизимли хусусиятини акс эттиради. У вужудга келиши, ҳосил бўлиши, шунингдек йўқолиши, парчаланиши мумкин.

«**Case studies**» - атамаси прецедентнинг, яъни кузатиш остида бўлган ва тушунтиришнинг мавжуд қонунлари доирасига сиғмайдиған индивидуаллаштирилган объектнинг мавжудлигини акс эттиради.

Абдукция - фикр юритиш орқали эмпирик далиллардан уларни тушунтирувчи гипотезага юксалишни назарда тутати.

Адабиётлар:

1. Саифназаров И., Никитченко Г.В., Қосимов Б.У. Илмий ижод методологияси.Ўқув қўлланма.-Т.:”Янги аср авлоди”, 2004.-200 б.
2. Саифназаров И., Никитченко Г.В.,Қасимов Б.У. Методология науқноғ творчества.Учебное пособие.-Т.:”Янги аср авлоди”, 2004. - 200 С.
3. Саифназаров И.,Қосимов Б.У.Мухторов А., Никитченко Г.В. Фаннинг фалсафий масалалари.-Т.:”Fan va technologya”, 2004.-240 б.
4. Ходиев Б.Ю, Бекмуродов А.Ш., Болтабоев М.Р. ва бошқ. “Илмий тадқиқотчилик фаолиятига тайёргарлик асослари” ўқув-услугий қўлланма. – Т.: Экономика. – 2007. 138 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси–Тошкент: Ўзбекистон, 2011.– 40б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
7. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармониға 1-илова // <http://www.lex.uz>
8. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирға курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

ЭЪТИБОРИНГИЗ

УЧУН

РАХЪМАТ!

